Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал институт

# ФОЙДА СОЛИҒИНИНГ ДАРОМАДЛАР ТАРКИБИ ҲАМДА ХАРАЖАТЛАР ТАХЛИЛИ

*Давлат солиқ инспекторларининг малакасини ошириш учун мўлжалланган ўқув курси.*

***доцент А.Валиев***

# Фойда солиғи тўлаш концепцияси

## УМУМИЙ ҚОИДА

Солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда ҳисобланади

Фойда (даромад – харажат)



Ҳисоблаш методи

## МАХСУС ҚОИДА

Солиқ агенти томонидан тўлов манбаъидан қатъий назар ушлаб қолинади

Даромад

- Дивидендлар
- Норезидентларнинг даромадлари

Касса методи

# Методлар тушунчаси



Ҳисоблаш методи нима деган?

?

Касса методи нима дегани?

# Солиқ тўловчилар



Юридик шахслар– солиқ резидентлари

Ўз.Рда фаолиятни доимий муассасалар орқали амалга оширадиган, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги чет эл тузилмалари

Ўз.Рдаги манбалардан даромадлар олувчи Ўзбекистон норезидентлари бўлган юридик шахслар



Олган даромадлари 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган ёки ўз ихтиёри билан фойда солиғини тўлашга ўтган ЯТТлар

Солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг масъул иштирокчилари бўлган юридик шахслар

Оддий ширкат шартномаси доирасида амалга ошириладиган фаолият бўйича оддий ширкатнинг ишончли шахси

1

## Солиқ резидентлари

- Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва ЯТТлар
- Халқаро шартномаларни қўллаш мақсадлари учун Ўзбекистоннинг солиқ резидентлари деб эътироф этилган чет эл юридик шахслари
- Ҳақиқатдаги бошқарув жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган чет эл юридик шахслари

СК – 33-модда

**Савол:Норезидентнинг доимий муассасаси тўғрисида билдирилган нотўғри фикрни танланг.**

- А) Доимий муассаса деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади
- Б) Норезидент тадбиркорлик фаолиятини бошлагунга қадар доимий муассасини рўйхатдан ўтказиши шарт
- С) «Доимий муассаса» тушунчаси фақат солиқ соҳасидаги мақомни аниқлаш учун қўлланилади ва ташкилий-ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас
- Д) Фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган норезидент даромад (фойда) солиғи тўловчиси ҳисобланади

# Қуйидаги солиқ тўловчиларга XX-бўлим тадбиқ этиламайди:

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Қуйидаги-лар бирчи кундан фойда солиғи тўловчиси-дир

01 Ўзбекистон ҳудудига товарлар олиб кирадиган (импорт) юридик шахс ва ЯТТ

02 марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи юридик шахсларга

03 Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи ва фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахслар

04 Юридик шахслар-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда 25 га. ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса

05 Лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга

06 Оддий ширкат ишларини юритиш ўз зиммасига юклатилган ишончли шахсга - оддий ширкат шартномаси доирасида амалга оширилаётган фаолият бўйича

07 Бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шасхларга, улардан самарасиз фойдаланилаётганлиги бўйича қонунда белгиланган тартибда хулоса киритилганда

2021 йилдан бирчи кундан фойда солиғи тўловчиси-дир

09 алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шахобчаларига;

10 бозорларга ва савдо комплексларига.

# Қуйидаги солиқ тўловчиларга XX-бўлим тадбиқ этиламайди:



**2022 йилдан СК нинг XX-бўлими тадбиқ этилмайди**

11 нотижорат ташкилотларига, шу жумладан бюджет ташкилотлари

12 солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари

13 аудиторлик ташкилотлари

# Солиққа тортиш объекти

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Юридик шахс

Фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи норезидент учун

ЯТТ учун

Консолидациялашган гуруҳ иштирокчиси учун

Зиммасига оддий ширкат ишларини юритиш юклатилган шахс учун

Фойда – ошиб борувчи якун билан

Норезидент учун - Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадлар

Даромад – ошиб борувчи якунсиз

## Фойда нима? Унинг объекти қандай аниқланади?

**ЖД-ЖХ=Ф**



**ЖД**-жами даромад

**ЖХ**-жами харажат

**Бу сумма қайрда кўринади?**

Молиявий натижалар тўғрисидаги **2**-шакилнинг

**240**-сатри “Фойда солиғини тўлагунча олинган фойда”

# Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

| Солиқ тўловчилар | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|
| | 2021 | 2022 |
| **Базавий солиқ ставкаси** (бундан бошқа бандларда кўрсатилганлар мустасно) | 15 | 15 |
| **Банклар** | 20 | 20 |
| **Полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи ва мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар** | 20 | 20 |
| **Бозор ва савдо комплексларида** хизмат кўрсатишдан олинган фойда | 20 | 20 |
| **Товарларнинг (хизматларнинг) электрон савдосини амалга оширувчи корхоналар**, агар кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 90 фоизини ташкил этса | 7,5 | 7,5 |
| **Дивидендлар тарзидаги даромадлар (норезидент дивидент ва фоизидан ставка 10%)** | 5 | 5 |
| **Ўзи ишлаб чиқарган ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотини реализация қилишдан** олинган фойда бўйича **СК 57-моддасида** назарда тутилган мезонларга жавоб берувчи **қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва балиқ хўжалиги корхоналари** | 0 | 0 |
| **Ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар**, агар белгиланган шартларга риоя этмаганлик рўй берган солиқ даврининг бошланишидан эътиборан базавий солиқ ставкасини илгари ўтган солиқ даврлари учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этган ҳолда қўллайди. | 0 | 0 |

# Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси

| Солиқ тўловчилар | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|
| | 2020 | 2021 |
| **Қўшимча манбалардан даромадлар олувчи бюджет ташкилотлари**, бўшатилаётган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджет ташкилотларининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлаш, ўз ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли тарзда фойдаланса, 2023 йилнинг 1 январига қадар | **0** | **0** |
| **Товарларни (ишларни) экспортга реализация қилишдан олинган фойда**, агар товарларни (хизматларни) экспорт қилишдан олинадиган даромадлар жами даромаднинг камида 15 фоизини ташкил этса. Товарлар экспорт қилинганда, шу жумладан товар воситачи (ишончли вакил) орқали реализация қилинганда. Товарларнинг экспортини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда, экспорт қилинган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида келиб тушган тақдирда қўлланилади. | **0** | **0** |
| **Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари** бўлган ва умумий ходимлар сонида ногиронлиги бўлган шахслар камида 50 фоизни ташкил этадиган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчилар | **0** | **0** |
| Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинадиган даромадлар | **0** | **0** |

Ўзида ишловчиларнинг умумий ўртача йиллик сонининг 3 %дан кўпроғи ногиронлиги бўлган шахсларни ташкил этадиган юридик шахслар учун солиқ ставкаси белгиланган нормадан ортиқча ишга жойлаштирилган ногиронларнинг ҳар бир фоизига солиқ ставкасининг 1 % ҳисобидан камайтирилади.

# Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси

| Норезидентларнинг солиқ ставкалари | Солиқ ставкалари | |
|---|---|---|
| | 2021 | 2022 |
| Дивидентлар ва фоизлари | **10** | **10** |
| Суғурта, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари | **10** | **10** |
| Халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишлар (фрахтдан олинган даромадлар) | **6** | **6** |
| Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб этилган кредитлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси банклари ва лизинг берувчилари томонидан чет эл молия институтларига тўланадиган даромадлар | **0** | **0** |
| Бошқа даромадлар, бундан юқоридаги даромадлар мустасно | **20** | **20** |

# Солиқ кодексининг 57 моддаси

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи ва уни бирламчи қайта ишловчи.
- Ҳамда жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, шу жумладан уни ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашдан олинган маҳсулотни реализация қилишдан олинган даромадининг улуши солиқ давридаги жами даромаднинг камида 80 фоизини ташкил этиш керак.
- Ер участкаларига эга бўлган, бу ер участкалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлса.

# Ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш муддати

**Юридик шахслар -** ҳисобот даври якунлари бўйича кейинги ойнинг **20-кунидан** кечиктирмай, йил якунлари бўйича солиқ даври ўтгандан кейинги йилнинг **1 мартидан** кечиктирмай.



Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун **5 млрд сўмдан** ошадиган солиқ тўловчилар **ҳар ойлик бўнак тўловларни** ҳар ойининг **23-кунидан кечиктирмай** тўлайди.

**Бюджет ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари** -солиқ ҳисоботи солиқ даври якунларига кўра тақдим этилади. Даромад мавжуд бўлмаган тақдирда солиқ ҳисоботини тақдим этиш талаб қилинмайди.



Янгидан ташкил этилган солиқ тўловчилар жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида **5 млрд сўмдан ошган** солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини чорак ўтганидан кейин тўлайди.



*Жами йиллик даромаднинг миқдоридан қатъи назар, солиқ ҳисоботини солиқ даври якунлари юзасидан тақдим этувчи солиқ тўловчилар* ***ҳар ойлик бўнак тўловларини тўламайди***

# САВОЛ

**Қуйидаги корхоналардан қайси бири солиқ тўлаш тартибини танлаши мумкин?**

Бир жавобни танланг:

a. лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларг

b. қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда етмиш гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;

c. Жами даромади 800 млн. ва экспорт улуши 30% бўлган юридик шахслар

d. Импорт билан шуғулланадиган юридик шахслар

# САВОЛ

**<u>Норезидент корхона Ўзбекистон худудида 2 ой фоалият кўрсатиб 100 минг доллар иш бажарди, солиқ ставкасини ва солиқ суммасини аниқланг ?</u>**

Бир жавобни танланг:

a. Солиқ ставкаси 10 % , солиқ суммаси 10 минг доллар.

b. Солиқ ставкаси 15 % , солиқ суммаси 15 минг доллар.

c. Солиқ ставкаси 5 % , солиқ суммаси 5 минг доллар.

d. Солиқ ставкаси 20% , солиқ суммаси 20 минг доллар.

# САВОЛ



**<u>Бюджет ташкилоти тадбиркорлик фаолиятидан ҳисобот даврида 6000,0 млн.сўм соф даромад олди, фойда солиғи бўйича аванс тўловини амалга оширадими ?</u>**

Бир жавобни танланг:

a. Ҳа амалга оширади, ҳар ойнинг 23 санасида.

b. Амалга оширмайди, йил якуни билан ҳисобот топширади .

c. Ҳа амалга оширади, ҳар чоракнинг учи ойининг 20 санасига.

d. Ҳа амалга оширади, фақат чорак якуни билан.

# ДАРОМАДЛАР ТАРКИБИ



**СК - 2008**

Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан олинган даромадлар

+

Бошқа даромадлар

**СК - 2020**

Исталган шакл ва фаолиятлардан олинган даромадлар

# ЖАМИ ДАРОМАДЛАР



**1**

- Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад
- Кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад
- Суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади
- РЕПО операциялари бўйича даромад
- Қимматли қоғозлар ва (ёки) муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операциялар бўйича ушбу Кодекснинг 327-329-моддаларига мувофиқ олинган даромад
- Мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно
- фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад

**2**

- Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад
- Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад
- Илгари чегириб ташланган харажатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзидаги даромад
- Назорат қилинадиган чет эл компаниясининг фойда тарзидаги даромади
- Алоҳида ҳисоби мавжуд бўлмаган ва (ёки) улардан мақсадли фойдаланилмаган мақсадли маблағлар тарзидаги даромад
- Роялти, … ва бошқалар киради

# Оддий сўзлар билан РЕПО операциялари нима?

- РЕПО битим аслида кредитлаш бир шаклидир, деб айтиш мумкин
- Биринчи шахс иккинчисига дачани бир юз million сўмга сотади ва уни бир йил ичида қайта сотиб олади (унинг учун бу тўғридан-тўғри РЕПО битимидир) (*дача 150 млн.сўмлик)* ;
- Иккинчи шахс эса, ўз навбатида, бу дачани бир йилда бир юз ўн million сўм (ўн млн.сўм- йиллик 10%) миқдорида қайтариб сотишни ўз зиммасига олади. Унинг учун бу тескари РЕПО битимидир.

# Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар



Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад деб бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойда эътироф этилади.



Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижани (фойдани ёки зарарни) аниқлашда илгари қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳамда бошқа мол-мулкнинг нархини ошириш суммасининг ушбу асосий воситаларни ва бошқа мол-мулкни олдинги нархни пасайтириш суммасидан ортиқ суммалари асосий воситалар ҳамда бошқа мол-мулкнинг чиқиб кетишидан олинган даромад таркибига киритилади.

***МН = Т – Соққ – ҚҚС+ ҚбҚ – ЧХ***

**МН** – молиявия натижа

**Т** – тушум

**Соққ** – Сотилган объектнинг қолдиқ қиймати

**ҚҚС** – қўшилган қиймат солиғи

**ҚбҚ** – реализация қилинган асосий воситанинг қайта баҳолаш қиймати

**ЧХ** – чиқиш харажати

# МИСОЛ



**Вазиятли масала:**

*Юридик шахс ўзига тегишли бўлган автомобилни қолдиқ қиймати бўйича сотмоқда. Автомоилнинг бошланғич қиймати 120 000 минг сўм, жамғарилган эскириш – 100 200 минг сўм. Автомобилнинг баланс (қолдиқ) қиймати 19 800 минг сўмга (120 000 – 100 200) тенг. Резерв капитали счётида ҳисобга олинган қайта баҳолаш қолдиғи 25 000 минг сўмни ташкил этди. Чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар мавжуд эмас*

**Савол:**

*Автомобилнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромни аниқланг?*

**Ечими:**

*Автомобилнинг чиқиб кетишидан олинадиган даромад қўйидаги тартибда аниқланади:*



**ҚҚС** га тўхталадиган бўлсак, **19800*15% = 2970** минг сўм . Асосий воситалар ва номоддий активларни реализация қилишда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база мулкнинг реализация қилиш баҳосидан келиб чиқиб белгиланади

***МН = Т – Соққ – ҚҚС+ ҚбҚ – ЧХ***

**25000 =22770-19800-2970+25000-0, демак даромад 25000 минг сўмга тенг**

# Текин олинган мол-мулк (хизматлар)



**Текин олинган мол-мулк (хизматлар)**

СКнинг 322-моддасида назарда тутилган солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мол-мулкни ишончли бошқарувга беришдан наф олувчи оладиган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади

Мол-мулкни (хизматларни) текин асосда олиш чоғида олувчи шахснинг даромадлари ушбу мол-мулкнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади

Текин олинган мулк (хизматлар)нинг бозор қиймати ҳужжат билан тасдиқланиши керак:

1) юклаб жўнатишга, етказиб беришга ёки топширишга доир ҳужжатлар;

2) маҳсулот етказиб берувчиларнинг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);

3) оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;

4) биржа хабарлари;

5) давлат статистика органларининг маълумотлари.

Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш чоғида қарз олувчининг даромади қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қарз берувчининг даромадини аниқлашнинг худди шундай тартиби қарз (қайтариш шарти билан молиявий ёрдам) олиш санасида ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлган фоизлар тўлаш шарти билан берилган қарзларга (қайтариш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан қўлланилади.

1) банклараро операцияларга ва кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларга;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бериладиган қарзларга (ссудаларга);

3) солиқ тўловчилар консолидациялашган гуруҳининг бир иштирокчиси томонидан айни шу консолидациялашган гуруҳнинг бошқа иштирокчисига бериладиган қарзларга (қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамга) нисбатан татбиқ этилмайди.




# М и с о л

2021 йил апрел ойидан фойда солиқ тўловчи қарз берувчидан 2 йилгача фоизни тўламаслик билан 100 млн. сўм қарз олди.

Бундай ҳолатда фойда солиғини тўловчи 2021 йил учун солиқ ҳисоботининг N 1 Илованинг 070 сатрда текин олинган даромадни 10 509 589 сўм (100 000 000 х 14% х 274/365) миқдорда кўрсатиши керак. 10509589*15%=1576,4 минг сўм солиқ ҳисобланади.

# ФОИЗ ТАРЗИДАГИ ДАРОМАДЛАРГА СОЛИК СОЛИШ

- -Бундан буён фоизларга солиқ солишда ҳисоблаш усули қўлланилади. Яъни, солиққа тортиш учун жами даромад, уларни тўлаш вактидан қатъи назар, ҳисобот даври учун ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.
- -Тўлов мабаидан ушлаб қолинади:

| нотижорат ташкилотларига | бюджет ташкилотларига | Ўзбекистон норезидентларига | жисмоний шахсларга |
|---|---|---|---|
| **15%** | **15%** | **10%** | **5%** |




## Узоқ муддатли контрактлар бўйича даромадлар




Агар тузилган контрактлар шартларида хизматларни босқичма-босқич топшириш назарда тутилмаган бўлса, узоқ технологик циклли ишлаб чиқариш (бир солиқ давридан ортиқ) бўйича мазкур хизматларни реализация қилишдан олинган даромад ҳисобга олиш маълумотлари асосида даромадни бир меъёрда эътироф этиш принципи инобатга олинган ҳолда солиқ тўловчи томонидан тақсимланади.

Узоқ муддатли контрактни ҳисобот даврининг охирига келиб ҳақиқатда ижро этиш контрактни бажариш бошлангандан эътиборан қилинган харажатларнинг солиштирма миқдорини контрактни бажаришга доир харажатларнинг умумий суммасида ҳисоб-китоб қилиш асосида аниқланади.

Ҳисобот даврининг охиридаги даромад қилинган харажатларнинг ҳисоб-китоб қилинган солиштирма миқдори ва контракт бўйича даромаднинг (контракт нархлари) умумий суммасидан келиб чиқиб аниқланади. Мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар жорий ҳисобот даврида хизматларни реализация қилишдан олинган даромадни аниқлаш чоғида чегириб ташланади

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

## Вазиятли масала

Реклама фаолияти билан шуғулланадиган компания, тижорат комплексининг рекламасини жойлаштириш бўйича контракт имзолади. 3 йиллик контракт бўйича умумий нархи 80 млн. сўм, шундан харажатлар 60 млн. сўмни ташкил қилади. Биринчи йилни охирига 30 млн. сўм харажат қилиниб, иккинчи йилда 12 млн. сўмни ташкил қилди




## Вазиятли масаланинг ечими

*Хар йил якуни бўйича компаниянинг даромади ҳисоблаш лозим.*

*Бу мисолнинг шартларига биноан биринчи йил 30 млн. сўм харажат қилинган бўлиб, у барча харажатларни 50% ташкил қилади. Бундан кўринадики, солиққа солиш мақсадида даромад ҳам 50% ташкил қилиш керак, яъни 40 млн. сўмни*

*1.Иккинчили йил якуни ўсиб бориш тартиби билан ҳисобланади. Бу нима degани?*

*Биринчи ўринда харажатлар улуши икки йил бўйича ҳисобланиб тақсимланади. Агар 2 йил харажатлар 12 млн ташкил қилган бўлса, унда барча харажатлар 42 млн бўлиб, бу барча харажатларни 70% ташкил қилади (смета билан белгиланган).*

*<u>Иккинчи йилда даромад шунда қуйидагича ҳисобланади:</u>*

*1) Йил бошидан ҳисобга олинган даромадни хизмат кўрсатиш бошлангандан бошлаб ҳисобланади (бухгалтерлик қоидаларни эсга солиб харажатлар миқдорида келиб чиқиб):* *80 млн х 70% = 56 млн*

*2) Иккинчи йилда ҳисобга олиниши керак бўлган даромадни аниқланади:*

*56 млн – 40 млн (биринчи йил хисобга олинган даромад) = 16 млн сўм*

*3) Охирги йил бўйича бундан олдин ҳисобга олинган даромадларни умумий даромадлардан айириб чикарилади:* *80 млн – 40 млн – 16 млн = 24 млн сўм*

# Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

- устав фондига *(устав капиталига)* қўшилган ҳисса тарзида олинган маблағлар
- акцияларни *(улушларни)* жойлаштириш нархининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортиқча суммаси
- иштирокчилар таркибидан чиқиш *(чиқиб кетиш)* чоғида устав фондига *(устав капиталига)* қўшилган ҳисса доирасида олинган ёки иштирокчининг улуши миқдорини камайтириш, шунингдек тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулкини иштирокчилар ўртасида тақсимлаш чоғида олинган маблағлар
- оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштириладиган маблағлар
- оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) шартнома шериклари *(иштирокчилари)* умумий мулкидаги улуши қайтарилган ёки бундай мол-мулк бўлинган тақдирда, ушбу шерик *(иштирокчи томонидан)* қўшилган ҳисса миқдорида олинган маблағлар
- реализация қилинадиган товарлар *(хизматлар)* учун олдиндан тўлов *(бўнак)* тарзида бошқа шахслардан олинган маблағлар
- қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг таъминоти сифатида гаров ёки закалат тарзида олинган маблағлар, уларга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган пайтга қадар
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ текинга олинган мол-мулк ва хизматлар
- СКнинг 48-моддасида назарда тутилган талаблар бажарилиши шарти билан олинган грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва мақсадли тушумлар
- суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тарзида олинган маблағлар
- молиявий ижара *(лизинг)* объектининг қиймати ўрнини ижарага берувчи *(лизинг берувчи)* томонидан олинган ижара *(лизинг)* тўловининг қисми тарзида қоплаш
- мол-мулк ижарасига доир шартнома бўйича олинган мол-мулк, бундан молиявий ижара *(лизинг)* мустасно

# Солиқ солишда ҳисобга олинмайдиган даромадлар

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази

воситачига ёки бошқа ишончли вакилга воситачилик, топшириқ шартномаси ёки воситачилик хизматлари кўрсатишга доир бошқа шартнома бўйича мажбуриятларни бажариши муносабати билан, шунингдек воситачи ёки бошқа ишончли вакил томонидан комитент ёхуд бошқа ишонч билдирувчи учун амалга оширилган харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан келиб тушган мол-мулк (пул мукофоти бундан мустасно). Бундай харажатлар, агар тузилган шартномалар шартларида бу харажатларнинг ўрнини қоплаш назарда тутилган бўлса, воситачидан ёки ишончли вакилдан чегириб ташланмайди

телекоммуникация тармоқларидаги тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар

инвестор ва давлат мулкини бошқариш бўйича ваколатли давлат органи ўртасида тузилган шартномага биноан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган мол-мулк

концессия битими бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган мол-мулк

кредит ёки қарз шартномалари бўйича маблағлар ёки бошқа мол-мулк *(маблағ жалб қилишни расмийлаштириш усулидан қатъи назар, бошқа шундай маблағлар ёки бошқа мол-мулк, шу жумладан қарз қимматли қоғозлар)*, шунингдек бундай жалб қилинган маблағларни тўлаш ҳисобидан маблағлар ёки бошқа мол-мулк

давлат муассасалари томонидан барча даражалардаги ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорига кўра олинган мол-мулк

Ўзбекистон Республикасининг давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича олинган даромадлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ва Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чиқарилган халқаро облигациялар бўйича даромадлар

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган пеняларнинг ва жарималарнинг суммаси

# С а в о л

Давлат солиқ қўмитаси
ҳузуридаги Фискал
институт



## Қуйидагилардан нима жами даромадга киради?

**Тўғри жавобни танланг:**



a) Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотгандан тушум

b) Фоизсиз қарз суммаси

c) устав фондига *(устав капиталига)* қўшилган ҳисса

d) Келажакдаги хизматлар учун олдиндан тўлов

# Савол



Ташкилот давр мобайнида ўз маҳсулотини реализация қилиб 100 млн. сум тушум олган, 20 млн сўм маҳсулот реализация қилган, комиссия шартномаси билан 12 млн сўмга товар олиб, улардан 7 млн сўмини реализация қилган. Бунда комиссияси – 700 000 сўм. Бундан ташқари, таъсисчилар томонидан устав фондига 50 млн сўм ҳисса қўшилган. Корхонанинг жами даромади нимага тенг?

Тўғри жавобни танланг:



a) 127, 7 млн сўм

b) 189,7 млн сўм

c) 177 млн сўм

d) 120,7 млн сўм



# 2020 йилдан бошлаб

**Солиққа тортиладиган фойда** = **Жами даромад** - **Даромад олишга боғлиқ харажатлар, чегириб ташланмайдиган харажатлардан ташқари**

**Мисол**

Корхонанинг давр мобайнида жами даромади (ҚҚСсиз) 10 000 млн. сумни ташкил қилиб, бунда жами харажатлар 8 000 млн сум,шундан 1 000 млн. сум чегириб ташланмайдиган харажатлардир. Солиққа тортиладиган фойдани аниқланг?

**Тўғри жавобни танланг:**

a) 2 000 млн. сум
b) 1 000 млн. сум
c) 3 000 млн. сум
d) Тўғри жавоб йўқ



# ХАРАЖАТЛАР ТАХЛИЛИ

# Ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар



**РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН**

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ

**РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН**

Тегишли харажатлар амалга оширилган чет давлат ҳудудида қўлланиладиган тартибга мувофиқ

**РАСМИЙЛАШТИРИЛГАН**

Бошқа шаклда расмийлаштирилган, шу жумладан хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, йўл ҳужжатлари, шартномага мувофиқ кўрсатилган хизмат ҳақидаги ҳисобот билан расмийлаштирилган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 23 декабрдаги “Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 131-сон билан тасдиқланган Низом

# Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сон қонуни

Davlat Soliq Xizmati

**306-модда**

**Амортизация харажатлари ва амортизация нормалари белгиланди *(ўзгартирилди)***

**307-модда**

Номоддий активларни амортизация қилиш харажатларига ўзгартиришлар киритилди

**308-модда**

Инвестициявий чегирма миқдори оширилди

10 фоиз → 20 фоиз

5 фоиз → 10 фоиз

**317-модда**

Ўқув-тарбия муассасаларига ёки етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар чегириладиган харажатлар сифатида белгиланди.

**320-модда**

Курсдаги ижобий ва салбий фарқ ва уни ҳисобга олиш тартиби белгиланди

# Асосий воситаларга инвестициялар киритилишини рағбатлантириш мақсадида, фойда солиғи базасидан чегириладиган айрим харажатлар миқдори оширилмоқда

Davlat Soliq Xizmati

## амортизация ажратмалари нормалари – ўртача **2 бараварга** оширилди

**бинолар**
3 фоиздан
5 фоизга

**машиналар ва асбоб-ускуналар**
15 фоиздан
20 фоизга

**иншоотлар**
5 фоиздан
10 фоизга

**компьютер ва периферия ускуналари**
20 фоиздан
40 фоизга

**қувурлар, электр узатиш линиялари ва телекоммуникациялар**
8 фоиздан
15 фоизга

**ОҚЛАГАН-** башарти улар ҳеч бўлмаганда қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келган тақдирда, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган



**ШАРТ** — Даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса

**ШАРТ** — Шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаб туриш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ёхуд хизмат қилса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан алоқаси аниқ асосланган бўлса

**ШАРТ** — Қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса



СК-239-модда

# МИСОЛ

Тендерда қатнашиши (тендерда қатнашиши учун йиғим, тендер ҳаражатларни тайёрлаш бўйича ва бошқа харажатлар), лекин оқибатда тендерда ташкилот ютиб чиқмади

Ташкилот бино курилиши учун ишлаб чиқилган проект смета хужжатлари бўйича қилинган харажатлар – банк кредит беришни рад этиши билан амалга ошмади



Экспорт қилувчи ташкилот маҳсулот экспортини ошириш мақсадида маркетинг аналитик хизматлар бўйича харажат қилди, лекин ҳисоботни ўрганиб, шу давлатга сотмасликка қарор қилди

Ташкилот ЯТТ ёки юр. шахсга – айланмадан олинадиган солиқ тўловчига конластинг ҳизматлари учун ҳақ тўлади. Бунда шартнома, хисоб-фактура ва хизмат кўрсатганлик тўғрисида хисобот мавжуд

Музокараларда бошқа ташкилот вакиллари билан қатнашиш мақсадида қилинган харажатлар – музокаралар натижасида битим имзоланмади

Тадбиркорлик мақсади доктринаси

Иқтисодий моҳият доктринаси

# Мисол

Устки кийим тикиш билан шуғулланадиган компания 200 м. мато сотиб олиб, ундан 165м. пальто тикишга кетказиб, тайёр махсулотни сотиб юборди. Бундан куриниб турибдики, солиқ тўловчи матонинг барча миқдорини харажатга қарата олмайди фақатгина сафр қилинган 165м ни*, яъни сотилган устки кийимга кетган қисмини*



Ишлаб чиқаришда сарф қилинадиган хом-ашёни ва материалларни хисобга олиш «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (4-сонли БҲМС) «товар-моддий захиралар»ни асосида амалга оширилади (АВ № 1595 17.07.2006 г.).

Бу хужжатга биноан хом-ашё ва материаллар қуйидаги методлар бўйича сарфга киритилади:

- Захира бирлигининг нархи бўйича баҳолаш
- Ўрта нарх бўйича баҳолаш (AVECO)
- Биринчи харид қилинганларнинг нархлари бўйича баҳолаш методи (ФИФО)

Солиқ тўловчи бу методларнинг бирини танлаб ўзининг ҳисоб сиёсатида бириктириб қўйиши керак

# Амортизация харажатлари

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловчи томонидан ҳисобга олинадиган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизация қилинадиган активлар деб эътироф этилади

Амортизация - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига тизимли тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодаси



Амортизация қилинадиган активнинг қиймати СКнинг 308-моддасида назарда тутилган амортизация ажратмалари ва (ёки) инвестициявий чегирмалар орқали харажатлар жумласига киритилади

Амортизация ажратмалари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, СКда назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

**СК - 306-модда**

# Мисол






Корхона ўз фаолиятини юритиш учун 50 млн сўмлик кучмас мулк харид қилмоқда (йилик амартизация 5 фоиз)

Мақсадли фойдаланиш муддати – 4 йил

Корхона пулларни бирданиги сарф қилади, лекин солиқ базасини фойда солиғи бўйича сотиб олинган муддат бўйича амалга ошира олмайди

Солиқ тўловчи бунда бинонинг бутун нархини харажатларга қарата олмайди (солиқ базасини камайтириб)

Корхона амортизацион ажратмалар орқали харажатлар ҳисобига қаратади, яъни мулкга кетган харажат 50 млн сўмни

## **Амортизация харажатлари** (2021 йилда киртитилган ўзгариш)

СК 304-моддаси 8, 9, 14, 15 ва 17-б. мувофиқ келиб тушган ёки сотиб олинган, солиқ ва божхона имтиёзларидан бўшаган маблағлар ҳисобидан олинган ёки сотиб олинган мол-мулк амартизация қилинмайдиган актив

2021 йил 1 январдан бошлаб амортизация-ланадиган активлар қийматини қайта баҳолаш натижасида амортизация ажратма-ларини ҳисоблашда солиқ солишда ҳисобга олинмайди.



2021 йил 1 январга бухгалтерия ҳисобида мавжуд бўлган, илгари ўтказилган қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда амортизацияла-надиган активлар қиймати солиқ солиш мақсадида бошланғич қиймат ҳисобланади.

Амортизацияланадиган активнинг қиймати қайта баҳолашни ҳисобга олмаган бошланғич қийматидан ҳисобланадиган амортизация ажратмалари орқали харажатлар киритилади.

**СК - 306-модда**

# Мисол



01

Асосий воситанинг қолдиқ қиймати 2020 йил охирида 100 млн. сўмни ташкил этади.

02

Ҳисоб сиёсатига кўра, январ ойида ихтиёрий қайта баҳолашни ўтказди, натижада ускунанинг қиймати 10% га ошди ва 110 млн. сўмни ташкил етди.

03

Компания 15% ставка тўғри-чизиқли амортизация усули амал қилади. 2021 йилда ойлик амортизация харажатлари: 110 х 15% : 12 = 1375 минг сўм

04

Фойда солиғини ҳисоблашда солиққа тортиш мақсадида 100 000 х 15% : 12 = 1250 минг сўм.

05

125 минг сўм (1375 – 1250) фарқи фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланадиган харажат эмас.

# Савол



Кандай активлар амортизация килинадиган активлар деб эътироф этилмайди ва амортизация килинмайди?

Тўғри жавобни танланг:

a) Асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал кўйилмалар
b) Асосий воситалар ва номоддий активлар таркибига ўтказилган капитал кўйилмалар
c) Кучмас мулк ва кучар мулклар.
d) Ишлаб чикаришда банд булган жами асосий воситаларга



## Бухгалтерия хисоби бўйича амортизация усуллари:

- Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш
- Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда (ишлаб чиқариш)
- Икки карра амортизация нормаси билан қолдиқни камайтириш
- Йиллар суммаси (кумулятив)



Қўлланиладиган амортизация ҳисоблаш усулини корхонанинг ҳисоб сиёсатида албатта акс эттиринг, сабаби турли усуллардан фойдаланиш турли молиявий натижаларга олиб келади

Солиқ солиш мақсадларида амортизацияни СКда белгиланганидан пастроқ нормалар бўйича ҳисоблашга, агар бу солиқ солиш мақсадларида ҳисоб сиёсатида мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, йўл қўйилади.

# Мисол

Корхонанинг хисоб сиёсатида асаосий воситаларнинг амортизацияси нормаси 5 йил фойдаланиш муддати билан 20% этиб белгиланган Амортизация тўғри чизиқли этиб белгиланган

Асосий восианинг бошланғич нархи 36 млн сум бўлиб, корхонанинг хисоби бўйича бир ойда асбоб-ускунанинг амортизацияси 600 000 сумни ташкил қилди

**36 000 х 15% / 12**

Солиқ кодексига биноан асосий восита учун 15 % амортизация белгиланган

Шунга кўра ойлик амортизация 450 000 сумни ташкил этиши керак

**36 000 х 20% /12**

Бухгалтерлик хисоботи бўйича амортизация 600 000 сумни ташкил қилади.

Фойда солиғи бўйича солиқ базасини хисоблашда амортизация харажатларини- фақат 450 000 сумни хисобга олиш мумкин

Корхона томонидан хисобга олинган амортизация билан СКдаги амортизация фарқи 150 000 сўмни ташкил қилиб, бу харажатларга киритилади ва чегирмага олинмайди

# Номоддий активларни амортизация қилиш харажатлари





Номоддий активларнинг қиймати номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддати мобайнидаги амортизация ажратмалари орқали харажатлар жумласига киритилади

Номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддатидан ва (ёки) интеллектуал мулк объектидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки қўлланилиши мумкин бўлган чет давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш муддатларига доир бошқа чекловлардан келиб чиққан ҳолда ёхуд номоддий активлардан фойдали тарзда фойдаланишнинг тегишли шартномаларда шартлашилган муддатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади

Фойдали тарзда фойдаланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йиллик муддатга белгиланади






**СК - 307-модда**

# Зарарлар ва зарарларни келгуси йилга ўтказиш



**Чегирилиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши -фойда солиги тўловчилари учун зарар деб айтилади**

**Олдинги солиқ даврида (даврларида) ҳисоблаб чиқарилган зарари (зарарлари) бўлган солиқ тўловчи жорий солиқ даврининг фойдасини ушбу кўрилган зарарнинг бутун суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига камайтиришга ҳақлидир.**

**Солиқ базаси олдинги солиқ даврида (даврларида) кўрилган зарар суммасига фақат жорий солиқ даврининг якунлари бўйича камайтирилиши мумкин.**

# Инвестициявий чегирма

## Инвестициявий чегирма қуйидаги «инвестиция»га миқдорда қўлланилади




- Янги технологик ускуналар
- Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва (ёки) технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш
- Ахборот тизимларини яратишга доир инвестиция лойиҳалари

Ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга йўналтириладиган маблағлар

**СК - 308-модда**

# Мисол

## Инвестициявия чегирмани қўлланиши

2022 йил январда корхона янги технологик ускунани 100 млн сумга сотиб олиб унинг амортизация нормасини 15% этиб белгилади. У йиллик энг баланд нормага тўғри келади *(СК-306-модда 6-қисм)* Амортизация тенг маромли хисоблаш методидир




Корхона февраль ойидан бошлаб амортизацияни қўллайди. Бундан кўриниб турибдики биринчи ярим йилликда корхона амортизацияси 5 ойлик бўлади:

**100 000 000 х 15% /12 х 5= 6 250 000 сўм**

Бундан ташқари, корхона ускунанинг нархи бўйича бирданиги инвестициявий чегирмани 10% қўллаши мумкин:

**100 000 000 х 20% = 20 000 000 сўм**

Бундан кўриниб турибдики, корхона фойда солиғини 1 ярим йиллик 2022 йил бўйича хисоблаганда янги технологик ускунага қуйидаги суммани харажатларга қаратиши мумкин:

**6 250 000 + 20 000 000 = 26 250 000 сўм**

Диққат! Бу мисолда амортизация миқдори 6 250 000 сўм бухгалтерлик хисобига тегишлидир ва солиққа тортишда харажатларда акс эттирилади. Инвестициявий чегирма суммаси - 20 000 000 сўм фақат солиққа тортиш мақсадида харажатларда акс этади, бухгалтерлик хисобида акс эттирилмайди

# Савол

Қуйидаги ҳолатларнинг қайси бири харажатларга киритилиши мумкин?

Тўғри жавобни танланг:



a) Асосий ишлаб чиқариш материаллари цехга берилди

b) Ишлаб чиқариш маҳсулоти харидорга сотилди

c) Олиб сотиш учун товарлар харид қилинди

d) Хизмат кўрсатувчи ташкилотга олдиндан тўлов амалга оширилган



Солиққа тортиш мақсадида қайси ҳолатда материалларга сарф харажат деб эътироф этилади?

Тўғри жавобни танланг:

a) Асосий материалларни сотиб олиш вақтида

b) Сотилган махсулотга харидорлар томонидан тушумлар амалга оширилганда

c) Ўз ишлаб чиқариш маҳсулотига харидорлардан олдиндан тўлов тушганда

d) Тайёр маҳсулот ортилганда

# Савол



Корхонанинг хисобчиси 2019 йил хатолик билан амортизация харажатларига солиқ қонунчилигига кўра 200 000 сумга кўпроқ. Бу ҳолат кейинги даврдаги хисоботлар тайёрлашда кўзга ташланган. 2019 йилда фойда солиғи – 12%, 2020 – 15%. Бу хатолик фойда солиғига қайдан таъсир кўрсатган?

Тўғри жавобни танланг:

a) Фойда солиғи 30 000га кўп кўрсатилган

b) Фойда солиғи 24 000га кўп кўрсатилган

c) Фойда солиғи 24 000га кам кўрсатилган

d) Фойда солиғи 30 000га кам кўрсатилган



## 1 мисол (2021 й.)

**Ҳисобот чорагида корхона маҳсулот реализациясидан 1700 млн.сўм соф тушум олган. Бундан ташқари бошқа даромадлар:**

*Мол-мулкни ижарага беришдан - 200 млн.сўм

* асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан даромад - 150 млн.сўм

**Шунингдек корхона ҳисобот йилида қуйидаги ҳаражатларни амалга оширган:**

*ишлаб чиқаришга сарф қилинган хом-ашё материаллари ҳаражатлари 900 млн.сўм

*меҳнат ҳақи харажатлари 150 млн.сўм

*хомийлик 7 млн. сўм ва нормадан ортиқ 2.0 млн.сўм амартизация хисобланган

Ҳисобот йилида корхонанинг Молиявий натижалари тўғрисидаги Ф-2 сонли шаклнинг 240 сатри ва фойда солиғи суммасини аниқланг

**Фойда солиғи**
**ҲИСОБ-КИТОБИ (сўмда)**

| Кўрсаткичлар (ўсиб борувчи тартибда тўлдирилади) | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри) | 010 | 2 050 000 000,00 |
| Чегириладиган харажатлар ((Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3-устун - 4-устун) + (Ҳисоб-китобнинг 5-иловаси 060-сатри)) | 020 | 1 050 000 000,00 |
| Солиқ солинадиган фойда (010-сатр - 020-сатр) | 030 | 1 000 000 000,00 |
| Имтиёзлар - жами (Ҳисоб-китобнинг 3-иловаси 030-сатри) | 040 | 0 |
| Ноль ставка қўлланиладиган солиқ тўловчилар фойдаси (Ҳисоб-китобнинг 6-иловаси 030-сатри) | 050 | 0 |
| Солиқ базаси (030-сатр – 040-сатр - 050-сатр), бироқ "0" дан кам эмас | 060 | 1 000 000 000,00 |
| Фойда солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда | 070 | 15 |
| Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахслар учун тузатилган солиқ ставкаси | 071 | 15 |
| Фойда солиғи суммаси – жами (060-сатр х 070-сатр) | 080 | 150 000 000,00 |
| Доимий муассаса сифатида ҳисобга қўйилгунига қадар тўлов манбаида ушлаб қолинган фойда солиғи суммаси | 090 | |
| Ушбу ҳисобот даврида ҳисобланган жами ойлик бўнак тўловлари | 100 | |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармонига асосан камайтириладиган фойда солиғи суммаси | 101 | |
| Фойда солиғининг бюджетга тўланиши лозим бўлган жами суммаси (080-сатр – 090-сатр – (Ҳисоб-китобнинг 9-иловаси 090-сатри + Ҳисоб-китобнинг 10-иловаси 060-сатри)), шу жумладан: | 110 | 150 000 000,00 |
| Алоҳида бўлинмалар жойлашган жойи бўйича (алоҳида бўлинмага тўғри келадиган фойда солиғи суммаларини ҳисоб-китобидан келиб чиқиб) | 111 | |

**Жами даромадлар** 1-илова

| Даромадлар рўйхати | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| **Жами даромадлар (020-сатр - 180-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан** | 010 | 2 050 000 000,00 |
| Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромад (021-сатр - 026-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан фаолият турлари кесимида | 020 | 1 700 000 000,00 |
| 146 | 021 | 1 700 000 000,00 |
| | 022 | |
| | 023 | |
| | 024 | |
| | 025 | |
| | 026 | |
| Кредит (қарз, микрокредит ва бошқа молиявий операциялар) бўйича мукофот тарзидаги даромад | 030 | |
| Суғурта, қайта суғурта ташкилотининг суғурта, қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича даромади | 040 | |
| Асосий воситаларнинг ва бошқа мол-мулкнин чиқиб кетишидан олинган даромад | 050 | 200 000 000,00 |
| Мол-мулкни мулк ижарасига (ижарага) беришдан олинган даромад, бундан молиявий ижара (лизинг) мустасно | 060 | 150 000 000,00 |
| Текин олинган мол-мулк (хизматлар), молиявий ёрдамлар | 070 | |
| Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захираларнинг ва бошқа мол-мулкнинг қиймати тарзидаги даромад | 080 | |
| Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромад | 090 | |
| Талаб қилиш ҳуқуқидан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромад | 100 | |
| Дивидендлар тарзидаги даромадлар | 110 | |
| Фоизлар тарзидаги даромадлар | 120 | |
| *шу жумладан, солиқ агенти томонидан тўлов манбаида солиқ суммаси ушлаб қолинган* | 121 | |
| Валюта курси фарқидан даромадлар | 130 | |
| Молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан мол-мулкни бериш бўйича пул мукофоти тарзидаги даромад | 140 | |
| Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодесининг 332-моддасида келтирилган ҳолларда даромадларга тузатиш киритиш | 150 | |
| Айрим операциялар бўйича даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 8-иловаси 070-сатри 3-8 устунлар йиғиндиси) | 160 | 0,00 |
| Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 347-моддаси 3-қисмида келтирилган даромадлар | 170 | |
| **Ушбу илованинг 020-170-сатрларида кўрсатилмаган бошқа даромадлар (181-сатр - 188-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:** | 180 | 0,00 |

**Харажатлар** (ИЛОВА-2)

| Харажатлар рўйхати | Сатр коди | Харажатлар (зарарлар) суммаси | шундан, чегирилмайдиган харажатлар (зарарлар) |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Жами харажатлар (020-сатр - 07...-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:** | 010 | 1 059 000 000,00 | 9 000 000,00 |
| **Сотилган товарлар (хизматлар) билан боғлиқ харажатлар (таннарх)** | 020 | 1 059 000 000,00 | |
| **Сотиш харажатлари** | 030 | | |
| **Маъмурий харажатлар** | 040 | | |
| **Молиявий фаолият бўйича харажатлар** | 050 | | 9 000 000,00 |
| **Бошқа харажатлар (зарарлар)** | 060 | | |
| **010-сатрига киритиладиган асосий харажатлар:** | х | 1 059 000 000,00 | |
| Сарфланган хом ашё ва материаллар (0102, 0103 сатрлардан ташқари) | 0101 | 900 000 000,00 | |
| Сарфланган ёқилғи харажатлари | 0102 | | |
| Сарфланган табиий, суюлтирилган газ харажатлари | 0103 | | |
| Сарфланган электр энергия харажатлари | 0104 | | |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий солиқ бўйича харажатлар | 0105 | 150 000 000,00 | |
| ............................................................... | 0106 | ....................... | ................. |
| Хайрия ёрдами тарзида берилган маблағлар, бундан меценатлик кўмагини кўрсатиш учун йўналтирилган маблағлар мустасно | 0121 | 7 000 000,00 | 7 000 000,00 |
| *харажатларни чегирмаларга бевосита (тўғридан-тўғри) киритиш усули* | 01332 | | |
| **Ушбу илованинг 0101-0133-сатрларида кўрсатилмаган бошқа харажатлар (01341-сатр - 01348-сатрлар йиғиндиси), шу жумладан:** | 0134 | 2 000 000,00 | 2 000 000,00 |
| Тезлаштирилган ижобий амартизация | 01341 | 2 000 000,00 | 2 000 000,00 |
| | 01342 | | |

# Савол



Хисобот чорагида соф тушум (ККСсиз) 1782,6 млн.сўм. Бундан ташкари 250 млн.сум дивидент ва 150 млн.сум фоиз шаклидаги даромад тушган. хисобот чорагида куйидаги харажатларни амалга оширган: Жами харажат 1089 млн.сўм, шундан чегирилмайдиган харажат 45 млн.сум. хисобот чорагининг фойда солиги суммасини аникланг.

Тўғри жавобни танланг:

a) Фойда солиғи 133,3 млн.сўм

b) Фойда солиғи 164 млн.сўм

c) Фойда солиғи 104,0 млн.сўм

d) Фойда солиғи 170,8 млн.сўм



# Савол



Кишлок хўжалиги товар ишлаб чикарувчи корхона хисобот давридаги соф даромад **20000.0** млн.сўм, шундан **17%** ишлаб чикарилган саноат махсулотини сотишдан тушган. Жами харажати **12890** млн.сум, чигирилмайдиган харажат **141** млн.сум. хисобот чорагининг фойда солиги суммасини аникланг.

Тўғри жавобни танланг:

a) Фойда солиғи 1066,5 млн.сўм

b) Фойда солиғи 1086,6 млн.сўм

c) Фойда солиғи 184,9 млн.сўм

d) Фойда солиғи 885,2 млн.сўм



## 2 мисол (2021 й.)

Ҳисобот йилида корхона маҳсулот реализациясидан **1 899,5 млн.сўм** оборот қилган. Шундан корхона **232 млн.сўм** экспортни амалга оширган

**Бундан ташқари:**

*Мол-мулкни ижарага беришдан **30 млн.сўм**

*асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан **18 млн.сўм** даромад олган

**Шунингдек корхона ҳисобот йилида қуйидаги ҳаражатларни амалга оширган:**

*сотилган махсулотнинг хом-ашё ҳаражатлари **600 млн.сўм**

*меҳнат ҳақи харажатлари **300 млн.сўм**

*банк харажатлари **40 млн.сўм**

*тўланган жарима **6 млн.сўм**

нормадан ортиқ **1.0 млн.сўм** амартизация хисобланган

Ҳисобот йилида корхонанинг Молиявий натижалари тўғрисидаги Ф-2 сонли шаклнинг 240 сатри ва фойда солиғи суммасини аниқланг 1682-947=735+48=783+7=790*15% = **118,5 млн.сўм** солиқ хисоблади

# Мисол

Ҳисоботда чегирилмайдиган моддий харажатлар суммасини акс эттириш Корхона қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Асосий хом ашё – янги узилган сабзавотлар ва мевалар. Белгиланган табиий камайиш меъёри – истеъмол қилинадиган хом ашёнинг 5%и.

Ҳисобот даврида маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун табиий камайишни инобатга олган ҳолда 8 900 кг миқдордаги меъёрда 18 000 минг сўм миқдоридаги 9 000 кг мевалар ишлатилди. Табиий камайиш меъёридан ортиқча камайиш 100 кгни ташкил этди, бу:

18 000 : 9 000 х 100 = 200 минг сўмни ташкил этади.

Фойда солиғи ҳисоб-китобига 2-илованинг 0101-сатрида қуйидагини акс эттирамиз:

- 3-графада – 18 000 минг сўм.
- 4-графада – 200 минг сўм.

## Моддий ёрдамни Фойда солиғи ҳисоб-китобида акс эттириш

Корхона ҳисобот даврида ходимларга қуйидаги моддий ёрдам турлари бўйича тўловларни ҳисоблади:

- таътилга СК372 м. 4 б. – **9 000** минг сўм;
- ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан СК377м. 10 б. – **5 500** минг сўм;
- бола туғилганлиги муносабати билан СК 377 м. 10 б. – **3 000** минг сўм;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотиб олишга СК 377 м. 10 б. – **12 000** минг сўм.

**ЕЧИМ**

**15 000** минг сўм (**3 000 + 12000**) миқдоридаги моддий ёрдам чегириб ташланмайди.

Ҳисоб-китобга 2-илованинг **0120**-сатрида қуйидаги суммаларни акс эттирамиз:

- 3-устунда – **15 000** минг сўм;
- 4-устунда – **15 000** минг сўм.

Таътилга моддий ёрдам тўланиши жамоа шартномасида назарда тутилган. Бу – рағбатлантирувчи тусдаги тўлов бўлиб, ходимларни ўз мажбуриятларини сифатли равишда бажариши учун асос тариқасида хизмат қилади, ўз навбатида, корхона фаолиятининг якуний натижасига таъсир кўрсатади.

Таътил муносабати билан бериладиган **9 000** минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам – иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажат. Шу боис корхона уни чегириладиган харажатларга киритади ва меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромад сифатида Ҳисоб-китобга **2**-илованинг **0105-** сатрида **3**-устунида акс эттиради.

Ходимнинг меҳнатда майиб бўлганлиги муносабати билан бериладиган **5 500** минг сўм миқдоридаги моддий ёрдам – қонун ҳужжатлари нормаларидан келиб чиқиши сабабли бу ҳам чегириладиган харажат. У меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга киритилмайди, шу сабабли корхона уни Ҳисоб-китобга **2**-илованинг **01341–0134**…-сатрларида **3-**устунда харажат турини кўрсатган ҳолда акс эттиради.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!**